

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ГИСТОЛОГИЯ ВА ТИББИЙ БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

ИНСОНЛАРДА ПАРАЗИТЛИК КИЛУВЧИ СОДДА ХАЙВОНЛАР

Билим соҳаси: 500000 Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510000- Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналишлари : 5510100 –Даволаш иши

5111000 - Касбий таълим (Даволаш иши)

5510400 – Стоматология

Ўқув услубий қўлланма

(Тиббиёт институти даволаш,стоматология ва тиббий педагогика
факультети 1 курс талабалари учун)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ГИСТОЛОГИЯ ВА ТИББИЙ БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

“ Т А С Д И Қ Л А Й М А Н ”

Бухоро давлат тиббиёт институт

ректори

Т.А.Аскарлов

2014 йил



**Мавзу: ИНСОНЛАРДА ПАРАЗИТЛИК КИЛУВЧИ СОДДА
ХАЙВОНЛАР**

Билим соҳаси: 500000 Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510000- Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналишлари : 5510100 –Даволаш иши

5111000 - Касбий таълим (Даволаш иши)

5510400 – Стоматология

Услубий қўлланма

**Б.А.Хидоятов Н.И.Худойкуловаларнинг тиббий биология
фанидан “Инсонларда паразитлик килувчи содда хайвонлар”
номли ўқув услубий қўлланмасига**

Такриз.

Тиббиёт институтларини талабалари Тиббий биология фанини яхши ўзлаштирмай туриб юкори курсларда утиладиган биокиме, физиология, анатомия, микробиология ва юкумли касалликлар каби фанларни ўзлаштириб олишларига қийинчилик тугдиради. Чунки инсон организмида борадиган ҳамма жараёнлар биологик нуқтаи назардан талқин қилинишини тақозо этади. Муаллифлар томонидан ёзилган “Инсонларда паразитлик килувчи содда хайвонлар” номли ўқув услубий қўлланма тиббиёт институти 1 курс талабалари учун мўлжалланган бўлиб, қўлланмада назарий масалаларга катта эътибор қаратилган. Хивчинлиларни турлари ва уларни организмда паразитлик килувчи органлари, касалликни белгилари, аниқлаш усуллари талабаларга катта қизиқиш уйғотади. Айниқса Хивчинлиларнинг морфологик тузилиши тўғрисидаги фикрлар содда кўринишда талқин қилинган бўлиб бу борадаги материалларни ўзлаштиришда талабаларга қийинчилик туғдирмайди. Шунингдек ушбу ўқув услубий қўлланмада талабалар билимини назорат қилиш мақсадида вазиятли масалалар ва тест саволларига кенг эътибор берилган. Мазкур ўқув услубий қўлланма тиббий биология фанини намунавий фан дастури доирасида ёзилган бўлиб, ундан тиббий биология фани ўтиладиган бошқа ўқув юртларини талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин. Юқорида қайд этилган фикрларни инобатга олган ҳолда ўқув услубий қўлланмани чоп этишга тавсия этаман.

БухДУ “Табиатшунослик асослари”
кафедраси мудири,



Б.ф.н. Тураев М.М.

**Б.А.Хидоятов; Н.И.Худойкуловаларнинг тиббий биология фанидан
“Инсонларда паразитлик килувчи содда хайвонлар” номли ўқув
услубий қўлланмасига**

Такриз.

Тиббиёт институти талабалари ҳозирги замон фанининг ютуқларига асосланиб инсон организмида паразитлик киладиган содда хайвонларни, уларни юкиш йулларини билишлари учун тиббий биология фанининг ўрни жуда катта ҳисобланади.

Хивчинлиларни морфологик тузилишини билмай туриб унинг организмдаги фаолияти тўғрисида ҳулоса қилиб бўлмайди.

Талаба тиббиётнинг таянч фанларини ўрганишдан олдин организмда кечадиган ҳаётий жараёнларда бевосита иштирок этувчи паразит содда хайвонларнинг асосий хусусиятларини уларнинг тузилиши билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ва бу паразитларнинг тирик организмда борадиган жараёнларга таъсирини билиши ўта муҳим ва зарур ҳисобланади.

Б.А.Хидоятов ва Н.И.Худойкуловалар томонидан тайёрланган “Инсонларда паразитлик килувчи содда хайвонлар” номли ўқув услубий қўлланма юқорида айтиб ўтилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган.

Ўқув услубий қўлланма тиббиёт институти талабалари учун тиббий биологияни ўқитиш намунавий ўқув дастури асосида тайёрланган.

Ўқув услубий қўлланмада организмда паразитлик килувчи хивчинлилар уларнинг турлари, паразитлик киладиган аъзолари ва уларни аниқлаш усуллари, уларнинг ривожланиш циклидаги узига хос асосий жараёнларнинг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар кенг ёритилган

Талабалар билимини аниқлаш учун тузилган назорат саволлари, вазиятли масалалар ва тест саволлари ушбу мавзунинг барча жиҳатларини қамраб олган.

Ўқув услубий қўлланмада баён этилган фикрлар бўлажак шифокорлар учун тиббиётнинг махсус фанларини пухта эгаллашларига билим манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бухоро Давлат Тиббиёт институти
“Микробиология ва эпидемиология”
кафедраси мудири, т.ф.н.:



С. Сулейманов

Сулейманов С.Ф.

Тузувчилар:

Хидоятов Б.А. - “Гистология ва тиббий
биология кафедраси” кафедраси мудири,
профессор

Худойкулова Н.И - “гистология ва тиббий
биология” кафедраси катта уқитувчиси.

Тақризчилар: **Тураев М.М.** – БухДУ, “Табиатшунослик асослари”

кафедраси мудири, б.ф.н.

Зулфикоров А.Н. – “Гистология ва тиббий биология”

кафедраси доценти ,б.ф.н.

Ўқув услубий қўлланма

Институт Марказий услубий қомиссиясининг “ ” сон мажлиси

йиғилишида кўриб чиқилди, баённома №

МУК раиси :

С.Ш. Олимов

Институт илмий кенгашининг “ ” сон йиғилишида кўриб чиқилди

баённома №

Илмий кенгаш котиби :

Муаззамов Б.Б.

Сўз боши.

Тиббий протозоология асосларини чуқурроқ ўзлаштириш мақсадида тиббиёт олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган ушбу ўқув услубий қўлланма асосида талабалар содда хайвонларнинг асосий вакиллари, уларнинг юкиш йуллари, паразитлик киладиган аъзолари, содда хайвонларнинг тиббиётдаги аҳамияти, улар келтириб чиқарган касалликларга ташхис қуйиш йуллари ва бу жараённинг аҳамияти тўғрисидаги назарий билимга эга бўлсалар, амалиётда паразитларнинг циста ва тухумларини урганиш орқали амалий билимга эга бўладилар. Шунингдек мазкур қўлланмада назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида тест ва вазиятли масалалар, интерактив ўйинлар киритилган.

Қўлланмада мавзу бўйича талабалар билимларини жорий назорат қилиш бўйича баҳолаш мезони ишлаб чиқилган бўлиб, бу маълумотлар талабаларнинг машғулотларга тайёргарлиги жараёнида нималарга эътибор беришларига ёрдам беради.

Ушбу қўлланмани ўқиб ўзларининг қимматли маслаҳатлари ва таклифларини билдирганликлари учун – БухДУ, “Табиатшунослик асослари” кафедраси мудири, б.ф.н. Тураев М.М. га, “Гистология ва тиббий биология” кафедраси доценти, биология фанлари номзоди Зулфикоров А.Н га муаллифлар ўз миннатдорчилигини билдиради.

Қўлланма ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

МУАЛЛИФЛАР .

МАВЗУ: ИНСОНЛАРДА ПАРАЗИТЛИК КИЛУВЧИ СОДДА ХАЙВОНЛАР

Машғулотнинг ўтказиш жойи, жиҳозлаш:

Гистология ва тиббий биология кафедраси амалий машғулотлар хонаси.

Микроскоплар, содда хайвонлар тасвирланган доимий препаратлар, тарқатма материаллар, слайдлар, янги ахборот технологиялари.

Машғулотнинг давомийлиги

– 4 соат

Машғулотнинг мақсадлари.

- Сўрғичлилар, уларнинг морфологияси, инсонга юқиш йўллари, келтириб чиқарадиган касалликлари ҳақида маълумот бериш.

Вазифалари:

Талаба билиш керак:

- Сўрғичлилар келтириб чиқарадиган касалликларнинг белгилари, ташхис қўйиш усуллари ургатиш.

Талаба бажара олиши керак:

Амалий кўникмаларни бажариш – Микроскоп ердамида содда хайвонларни цисталарини тузилишини ва тухумларини ажрата олиши лозим.

Мотивация

Дарс давомида олинган билимлар паразитар касалликларни белгиларини урганиш ва уларни профилактикаси ҳақидаги билимларни

чуқурлаштиради.

Паразит содда ҳайвонлар ҳақидаги билимлар юқумли касалликларни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради.

Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқлик

Содда ҳайвонларни келтириб чиқарадиган касалликларни ўрганиш , юқумли касалликлар бўйича билимлар билан боғлиқ.

Машғулотнинг мазмуни:

Назарий қисм

Содда ҳайвонлар турига 30 000 га яқин тур киради. Инсонларда паразитлик қилувчи содда ҳайвонлар ер юзида кенг тарқалгандир. Улар денгиз ва океанларда, чучук сувларда, баъзилари тупроқда ҳаёт кечиради. Содда ҳайвонлар бир хужайрали организмлар бўлиб, морфологик жиҳатдан уларнинг танаси кўп хужайралиларнинг битта хужайрасига тўғри келади.

Ҳар бир содда ҳайвонда кўп хужайрали организмлар каби моддалар алмашинуви, таъсирланиш, ҳаракатланиш, мосланиш, ўзгарувчанлик ва ирсият каби бошқа хусусиятлар ҳам кузатилади.

Содда ҳайвонларнинг катталиги 3-4 мкм дан 2,5-3 см гача бўлади. Уларнинг ҳаракат органоидига илдиз оёқчалари, хивчинлар, киприкчалар киради; овқат ҳазм қилиш органоидларга- ҳазм вакуолалари, цитостом, цитофаринкс, цитопракт-чиқарув тешиги киради. Уларнинг қисқарувчи вакуолалари- чиқариш ва нафас олишни бошқариб туради. Содда ҳайвонларнинг кўпчилигида тана қобиғи оксил ва ёғсимон моддалардан ташкил топган бўлиб, пелликула деб аталади.

Содда ҳайвонлар кислородли ва кислородсиз шароитда яшаши мумкин. Эркин яшовчилари одатда кислородли шароитда яшаса, кислородсиз муҳитда яшайдиганлари анаэроблар ҳисобланади. Содда ҳайвонларда ҳам барча тирик организмларга хос бўлган тасирланувчанлик

хусусиятига эгадир. Ташқи муҳитнинг ҳар хил таъсиротларига улар маълум ҳаракатлар билан жавоб беради.

Уларнинг кўпайиш усули жинсиз ва жинсий йўллар билан амалга оширилади. Содда ҳайвонларнинг тиббий аҳамиятга эга турларига киради:

1) саркодалилар - sarcodina

2) хивчинлилар - flagellate

3) споралилар - sporozoa

Хивчинлилар синфи (flagellata)

Хивчинлилар синфи вакиллари ҳайвонларни ўсимликлар дунёси билан боғлаб турувчи энг қадимги гуруҳдир. Хивчинлиларга хос бўлган умумий хусусиятлардан бири уларнинг ўзларида битта ёки бир нечта хивчин тутишидир. Хивчин уларнинг ҳаракат органоиди ҳисобланади. Хивчин матриксидаги 9 жуфт периферик ва 1 жуфт марказий фибриллалар бўлиб, улар цитоплазмадаги базал танача билан тугайди. Хивчинлиларнинг танаси пелликула билан қопланган. Уларнинг кўпайиши жинсиз ва жинсий усулларда кечади.

Трипоносомалар авлоди (trypanosoma)

Трипоносомаларнинг 2 тури учрайди. Булар 1) африка уйқу касаллигининг қўзғатувчиси-trypanosoma gambiense 2) шагас касаллигини чақирувчиси- trypanosoma cruzi

Trypanosoma gambiense - африкада тарқалган энг хавфли касаллик "уйқу" касаллигини қўзғатувчиси ҳисобланади. Бу касалликда бемор тана ҳарорати кўтарилади ва нерв системаси шикастланиши кузатилади. Нерв системасининг зарарланиши эса беморда ухлай олмаслик ёки ухлаб қолиш ҳоллари кузатилади. Баъзида эса бу касаллик бемор ўлими билан якунланиши мумкин. Трипаносоманинг танаси ингичка узун, ядроси эса овал шаклда бўлади. Танасининг орқа томонида эса кичкина танача

блефаропласт ётади. Унинг ёнида базал танача бўлиб, у таначадан хивчин ўсиб чиқади. Блефаропластлар хивчинни энергия билан таъминлаб турувчи тузилма ҳисобланади. Трипоносома бўйига қараб бўлиниб кўпаяди, кўпайиш блефаропластдан бошланиб, ядро ва охирида протоплазма бўлиниши билан тугайди.

Трипоносомалар қон паразитлари бўлиб, иссиқ қонли ҳайвонлар ва одам организмида паразитлик қилади. Африка уйқу касаллигининг табиий манбаи жайронлар ҳисобланади. Тарқатувчиси эса цэ-цэ пашшасидир (*glossina palpalis*)

Цэ-цэ пашшаси қаерда кенг тарқалган бўлса касаллик ўша зонада кўп учрайди. Шагас касаллигининг кўзгатувчиси *thrypanosoma cruzi* ҳисобланади. Бу касалликни қон сўрувчи қандалалар келтириб чиқаради. Паразитни ўзига бир марта юқтирган қандала бутун умри давомида ўзида трипоносомаларни сақлайди ва инсон учун хавфли ҳисобланади.

Одамда паразитлар одамга тери ва шилимшиқ қатламларнинг бир хил ёриқлари, жароҳатлар орқали фаол йўл билан ўтади. Триатом қандалалари инсонга асосан кечаси ухлаб ётганида ҳужум қилиб, лаблардан, кўз ва буруннинг шиллиқ қатламларидан қон сўриб озиқланади. Овқатланган жойига ифлосланган ахлатларини чиқаради ва шикастланган тери орқали трипоносомалар жуда осонлик билан одамга ўтади. Улар тери ва шилимшиқ пардаларида, уларнинг ҳужайраларида бир неча ҳафта яшаб, кўпая бошлайди. Улар паразитлик қилаётган ҳужайралардан чиқиб қон томирларга ўтиб, бутун организмга тарқалади. **Касалликнинг белгилари:** тана ҳарорати кўтарилади жигар ва талоқ катталашади, ичак фаолияти бузилади. Маълумотларга кўра 15% беморлар ушбу касалликдан ўлади.

Ташхис қўйиш учун: орқа мия суюқлиги лимфа безларидан препарат тайёрланади ва микроскопда кўрилади. Паразитнинг хивчинли шакли аниқланади.

Ичак лямблияси – *lamblia intenstinalis*

Лямблиоз - болалар ва катталар орасида кенг тарқалган протозой - инфекцион касаллик бўлиб. клиник меъда- ичак тракти ва гепато- билиар тизим аъзолари яллиғланиши белгилари билан характерлидир. Лямблиялар чиқарган касаллик лямблиоз дейилади. Лямблиоз ҳамма ерда кенг тарқалган бўлиб, аҳолининг тахминан 30% паразитларни топиш мумкин. Паразит беморларнинг ўн икки бармоқли ичагида яшаши билан бирга, ўт пуфагида ҳам учраши мумкин.

Касалликни биринчи марта Лямбл аниқлаганлиги учун унинг номи билан аталган. Ҳозирда 1. *intestinalis* дан ташқари 1. *Tiris* ва 2. *aqilia* турлари ҳам мавжудлиги аниқланган.

Лямблиянинг цисталари овал шаклда, рангсиз, узунлиги 10-14 мкм, ени 6-10 мкм, юзаси 2 контурли қаттиқ парда билан қопланган. Люгол эритмаси билан ишлов берилган препаратларда етилмаган цисталарда 2 та, етилган цисталарда 4 та ядро кўринади цисталар 10-15 минутдан кейин вегетатив шаклига айланади.

Вегетатив шакллари ташқи муҳит шароитига чидамсиз бўлиб 10 минут ичида ҳалок бўлади. Ҳаракатланиши хивчинлар ёрдамида амалга оширилади.

Лямблиозни юқтирадиган манба касал одам ва паразит ташувчиларидир. Касалликнинг белгилари бошқа ичак касалликларнинг белгиларига ўхшаш бўлади. Шунинг учун ҳам касалликга ташхис қўйишнинг асосий кўрсаткичи паразитларни аниқлашдан иборат. Бемор ахлат суртмаларни йод билан бўяб текшириш орқали паразит цисталари борлиги аниқланади. Беморнинг ахлати билан ташқарига чиқган цисталари ташқи муҳитда ҳафталаб тирик қолиши мумкин.

Соғлом одамга паразит цисталар билан ифлосланган маиший- мулоқот, алиментар яъни озиқ- овқат билан, ичиладиган сув ёки ифлос қўллар орқали юқади. Ифлосланган уй жиҳозлари, болалар ўйинчоқлари, мева ва

сабзаётлар тарқалиш омили ҳисобланади. Маиший мулоқот йўли билан тарқалишида болалар орасида лямблиоз инвасиясининг sporadic ҳоллари келиб чиқади, ҳатто оилавий ўчоқлар пайдо бўлади. Болалар боғчаларида маиший мулоқот йўли билан тарқалишида санитар-гигиеник режимни ҳисобга олганда, 18-20% дан 60-75% гача касаллик учрайди.

Сув орқали тарқалишида лямблиознинг эпидемиялари юзага келади. А Қ Ш да 1965-йил 23 та лямблиоз эпидемиялари учраб, унда 7009 нафар одам зарарланган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларга кўра лямблиоз касаллиги болалар ва катталар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, болалар популяциясида 100 000 болага 350 ҳолат қайд етилган. Ривожланган мамлакатларнинг катта ёшли аҳолисининг 3-5%, ривожланаётган мамлакатларнинг 10-15% лямблиоз касаллигига чалинганлар.

Лямблиознинг тарқалиши аҳолининг овқатланиш таркиби, ичимлик суви билан таъминланиши ва санитария-гигиеник кўникмалари даражасига боғлиқ, Ўзбекистонда ҳар йили 22019 нафар лямблиоз касаллиги аниқланиб, 5512 нафарни катта ёшдагилар ташкил этади. Барча беморлар клиник кечиши, инструментал текширув натижаларига асосан лямблиознинг ичак (70%) ва билиар (30%) шаклига ажратилган.

Лямблиознинг сурункали шаклига қуйидаги умумий симптомлар характерли:

- умумий аҳволи ўзгариши .
- бош оғриғи
- тез чарчаш
- овқатланишнинг бузилиши
- тишларни уйқуда қайраш
- оғиздан сўлак оқиши
- лаб бурчагини енгил қипиқланиши

Терида фоликуляр нуқтали кератоз кузатилиб, клиникасида фолликуляр шиш ва умумий куруқликнинг ошиши фонида бўлади. Бу ҳолатлар қўл ва оёқнинг ёзилувчан юзаларида ва қориннинг ён юзаларида кузатилади.

Лямблиознинг ичак шаклига қуйидаги клиник белгилар характерли:

- ошқозон ичак тракти фаолиятини бузилишлари 78% да,
- нажаснинг турли таснифли бўлиши;
- 62% да стеаторея;
- 65% да ич кетиш ва ич кетишларнинг алмашилиб келиши
- 76% қоринда биров оғриқ;
- 68% қорин дамлиги;
- 45% кўнгил айланиши;

85% да иштаҳа пасайиши кузатилади.

Ҳозирги кунда лямблиозни даволашда қуйидаги дори препаратлардан фойдаланилади:

- метронидазол, тинидазол, фуразолидон, туберал, зентел, мератин кабилардир.

Патогеник даво ўз ичига пархез, кўпроқ суюқликлар истеъмоли ва дори-дармон билан даволашни ўз ичига олади.

Лямблиозда кузатиладиган овқат ҳазм қилишнинг бузилишини бартараф қилиш мақсадида таркибида амилаза сақлаган препаратлар буюрилади. Касаллик туфайли юзага келадиган ичак дисбиосенозини тиклаш мақсадида эубиотиклар буюрилади. Касалликни олдини олиш усуллари қуйидагича:

- хомлигича ейиладиган мева, сабзавот ва бошқа масаллиқларни яхшилаб ювиш
- сувни қайнатиб ичиш
- овқатдан олдин ва ҳожатдан кейин қўлларни ювиш
- паразит ташувчиларни, айниқса озиқ-овқат корхоналарида, болалар боғчаларида ишлайдиганларни ўз вақтида аниқлаб, даволаш каби

вазифаларни ўз ичига олади.

Лейшманиоз(LEISHMANIOZ)

Лейшманиялар аксарият ҳолларда иссиқ қонли ҳайвонларда, дайди итлар, мушуклар, бўри ва чиябўриларда, жумладан кемирувчиларда каламуш ва юмронқозикларда касаллик келтириб чиқаради.

Бинобарин, касалликни одамга юқишида мазкур ҳайвонлар асосий манба ҳисобланади. Лейшманиялар сабабли келиб чиқадиган касаллик **лейшманиоз** деб аталади.

Лейшманияларнинг 2 тури одамда паразитлик қилади: лейшмания тропика(*Leishmania tropica*) ва лейшмания доновани(*Leishmania donovani*). Лейшмания тропика- тери лейшманиози чақирувчиси ҳисобланади. Тери лейшманиози Марказий Осиё ва Кавказ ортида кенг тарқалган. Паразит тери хужайраларда яшайди ва терида яралар ҳосил қилади.

Лейшманиялар майда паразитлар бўлиб, катталиги 2-4 мкм гача боради. Танаси думалок, пелликула билан қопланган. Морфологик жиҳатдан лейшманиялар ҳам 2 хил шаклда: хужайра ичида - хивчинсиз, ташувчиларнинг танасида ҳамда сунъий усулда ўстирилганда хивчинли кўринишда яшайди. Лейшманиялар ҳаётининг хивчинли даври лептомонад давр деб аталади. Касалликнинг бир йил ва ундан ортиқроққа чўзиладиган сурункали шакли ашхобод яраси ва 3-6 ой давом этадиган ўткир шакли пенда яраси учрайди.

Ашхобод ярасини лейшмания тропика минор, пенда ярасини лейшмания тропика тропика келтириб чиқаради.

Касалликни яширин даври 3-8 ой давом этади. Тери лейшманиозини искаптопарлар одамни чақганда юқтиради. Искартопар чақганда яра ҳосил қилади ва бу яра чандик ҳосил бўлиб битади. Бухоро вилояти буйича Каравулбозор туманида ушбу касалликни таркатувчиси искаптопарлар учун кулай шароит мавжудлиги лейшманиоз касаллигини аҳоли орасида кенг тарқалишига сабаб бўлмокда. Статистик маълумотларга эътибор

берадиган булсак аеллар ва эркеклар орасида касалланганлар сони анчагина. Касалликни таркатувчисини йукотиш мақсадида олиб борилаётган тадбирлар натижасида ҳозирги кунга келиб, анчагина камайтирилди.

Leyshmanioz bilan kasallanish darajasi

	Ayollar	Erkaklar	Jami
Umumiy soni	180	147	327
Leyshmanioz bilan kasallanganlar	33 (18,3 %)	29 (19,7%)	62 (19,0%)

Трихомонадалар авлоди (*Trichomonas*) трихомондоз деган касалликларнинг чакирувчилари бўлиб, 3 турни ўз ичига олади.

Ичак трихомонадаси – *Trichomonas intestinalis*

Қин трихомонадаси- *Trichomonas vaginalis*

Оғиз трихомонадаси- *Trichomonas tenax*

Ичак трихомонадаси тана ўлчами 5-15 мкм. Уларда биттадан олтитагача хивчин бўлади. Шакли овалсимон, кўпиксимон ядроси бор. Трихомонадалар 2 хил усул билан озиқланади : озиқ моддаларни танасининг бутун юзаси билан шимиб олади ва цитостом билан қамраб олади. Ичак трихомонадаси ифлосланган овқат ёки сув орқали юқади. Ичак трихомондозига ташхис қўйиш учун микроскоп остида бемор ахлати текширилиб, вегетатив шакллари аниқланади.

Оғиз трихомонадасининг патогенетик хусусияти аниқланмаган,

лекин оғиз бўшлиғи ва тиш касалликлари- гингивит, парадонтоз, тиш кариеси билан касалланган беморлар орасида кўпроқ учраб туради. Шунинг учун стоматология корхоналарида оғиз трихомонадасини аниқлаш усулларга алоҳида эътибор бериш керак.

Қин трихомонадаси ўлчами 15-25 мкм гача бўлади. Танасининг олдинги қисмида кўпиксимон ядроси жойлашган бўлиб, ядродан олдинда блефаропласт ётади. Қин трихомонадасининг тўлқинланувчи мембранаси қисқа бўлиб, тананинг 4\1 қисмини ташкил этади.

Қин трихомонадаси жинсий алоқа вақтида ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинмаганда юқади.

Шунинг учун касаллик манбаи бўлиб, касал одамнинг ўзи ҳисобланади. Қин трихомонадасининг энг кўп учрайдиган юқиш йўли бу жинсий алоқа орқали ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ҳам трихомониазни юктириш мумкин. Бу касаллик ҳар иккала жинс орасида ҳам учрайди. Баъзида болаларда ҳам кузатилади. Бунда касаллик онадан болага ўтади. Кўпинча трихомониаз касаллиги бошқа инфекцияли касалликлар билан бирга учраши мумкин. Трихомониазнинг яширин даври 2 кундан 2 ойгача кузатилиши мумкин.

Эркакларда ва аёлларда ҳам бу касаллик учрасада, белгилари турлича юзага чиқади. Аёлларда жинсий аъзоларнинг қизариб, қичишиши кузатилса, еркакларда сийдик чиқариш каналидан чиқадиган суюқликлар ва унинг нохуш ҳиди орқали маълум бўлади. Бу касалликга чалинган еркакларда бепуштлиқ ёки сурункали простатит касаллиги кузатилиши мумкин. Аёлларда эса бу касаллик ривожланаётган эмбрионга Инфекция тушишига сабаб бўлиши мумкин. Бу касаллик ВИЧ билан касалланиш эҳтимоллигини кучайтиради.

Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан бемор ерматовенерологга муружат этиши лозим.

Ҳозирги вақтда трихомониаз касаллиги қуйидаги йўллар орқали

аниқланади.

1)Препаратларни микроскопия қилиш орқали

2)ПСР

3)Иммунофлюоресценсия реакциялари

Аниқлаш йўллари бемордан олинган суртмалар орқали амалга оширилади.

Касалликни аниқлашнинг энг қисқа усули бу: РТФ ва ПСР усуллари ҳисобланади.

Касалликни аниқлаш учун анализларни иложи борида ерталабки соатларда олиш яхши натижа беради. Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, агар жамоат ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинса касалликни олдини олиш мумкин.

Машғулотда қўлланиладиган янги педогогик технологиялар

Машғулотда “Аквариум” интерактив услубидан фойдаланилади.

Бунда гуруҳдан 3 киши танланиб ўртага қўйилади, улар- “балиқ” бўлса, қолган талабалар кузатувчилар бўлади. Бу ҳолат “нима, қаерда, қачон” телеўйинига ўхшайди. Ўртадаги талабалар бир минут ичида жавоб тополмаса, улар ўрнига бошқа ўқувчи ўтиради.

Бу услубнинг афзаллик томонлар:

-мавзу ўртада муҳокама қилинади:

-мавзунини очиқ беради:

-талабаларнинг билимини текширади:

-дискуссия қилиш билими ошади:

-ўйин усулида ўтқазилади:

-ҳар бир талаба иштирок этади:

Аналитик қисм

Вазиятли масалалар

1. Висцерал лейшманиоз касаллиги белгиларини аниқлашда нималарга кўпроқ эътибор бериш керак.

2. Хозирги кунда лямблиоз касаллигини аниклашда фойдаланилаётган янги методлар хакида нималарни биласиз?

Малака, кўникма ва билимни текшириш усуллари
- оғзаки саволлар

Тестлар:

1.Симбиоз сузи кайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади

*юнон тилидан sim-бирга,bios-хаёт

грек тилидан sim-хаёт,bios-бирга

грек тилидан sim-бирга,bios-хаёт

лотин тилидан sim-атрофида,bios-хаёт

2.Паразитлик сузи кайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади

*грек тилидан para-атрофида, tropos-озикланиш

юнон тилидан parхаёт,tropos-озиклантириш

лотин тилидан para-бирга,tropos-хаёт

грек тилидан para-бирга,tropos-озикланиш

3.Гельментология фани бу-

*Паразит чувалчанглар хақидаги фан

Бугимоеклилар хақидаги фан

содда хайвонлар тугрисидаги фан

хашаротлар хақидаги фан

4.Арахноэнтомология фани бу-

*бугимоеклилар хақидаги Фан

содда хайвонлар тугрисидаги фан

хашаротлар хақидаги фан

паразит чувалчанглар хақидаги фан

5.Энтомология фани бу-

*хашаротлар хакидаги фан

паразит чувалчанглар хакидаги фан

содда хайвонлар тугрисидаги фан

бугим оеклилар тугрисидаги фан

6.Хозирги кунда фанга паразит хайвонларнинг канча тури маълум

*50минг

60-65 минг

30 минга якин

10 мингдан ортик

7.Хакикий паразитлар

*узга тур хисобига текинхурлик килиб яшовчи индивиддир

хужайин организми билан факат озикланиш учун боғланадиган организм

хужайин организмда тасодифан тушиб колувчи паразитлар

хаёт фаолияти хужайин организми билан чамбарчас боғлиқ булган паразитлар

8.Факультатив паразитлар

*хужайин организмга тасодифан тушиб колувчи паразитлар

паразитлар хаёти бошидан охиригача хужайин организмда утади

хужайин организми билан факат озикланиш даврида боғланадиган паразитлар

узга тур хисобига текинхурлик килиб яшовчи индивидлар

9.Вактинчалик паразитлар

* хужайин организми билан факат озикланиш даврида боғланадиган паразит

узга тур хисобига текинхурлик килиб яшовчи индивидлар

хужайин организмда тасодифан тушиб колувчи паразитлар

паразитлар хаёти бошидан охиригача хужайин организмда утади

10. Доимий паразитлар булар

*хаёт фаолияти хужайин организми билан чамбарчас боглик булган паразитлар

узга тур хисобига текинхурлик килиб яшовчи паразитлар

хужайин организми билан факат озикланиш даврида боғланадиган паразитлар

хужайин организмига тасодифан тушиб колувчи паразитлар

11. Лейшманияларнинг қандай турларини биласиз

*дерматроп ва вицератроп

тери лейшманиози

вицеротроп

дермотроп

12. Лейшманияларни аниклаган олим

*1898 йил Баровский

Павловский

Ивановский

Догель

13. Дерматроп лейшманиялар қандай паразитлар

*терида паразитлик килиб яшовчи

ичакларда паразитлик килиб яшовчи

кон томирларида

куричакда

14. Вицератроп лейшманиялар қандай паразитлар

*ички органларда паразитлик килиб яшовчи лейшманиялар

терида паразитлик килади

кон томирларида

жигарда

15. Тери лейшманиози хивчинсиз ривожланиш боскичини каерда

утайди

*одам ва умурткалилар организмида

судралиб юрувчиларда

пашшаларда

баликларда

16.Хивчинлилар тана тузилишида узига хослик

*танаси пеликула билан копланган ва доимий шаклига эга

танаси доимий шаклга эга эмас

псевдоподиялари бор

пеликула билан уралмаган

17.Хивчинлиларнинг нечта тури фанга маълум

*1000 дан ортик

300 дан ортик

500 дан ортик

200 дан ортик

18.Африка уйкуси касаллигининг кузгатувчисини аникланг

*Trypanosoma gambiensi

Trypanosoma cruzi

Glossino palpalis

Nemathelminthes

19.Шагас касаллигининг чакирувчисини аникланг

*trypanosoma cruzi

Anneliles

chordata

molusca

20.Шагас касаллигининг таркатувчиларини аникланг

*кон сурувчи кандалалар

битлар

бургалар

уй пашаси

21. Африка уйқуси касаллигининг табиий манбаини курсатинг

*Жайронлар

кийиклар

итлар

пашшалар

22. Кин трихомонадасининг улчамини белгиланг

*15-20 мкм

7-30 мкм

8-10 мкм

10-15 мкм

23. Лейшмания донавани кайси мамлакатларга куп таркалган

*Хиндистонда

Урта осиеда

Африкада

Европада

24. Лейшмания инфантиум кайси мамлакатда куп таркалган

*Урта осиеда

Хиндистонда

Африкада

Америкада

25. Кин трихомонадасининг юкиш йулларини курсатинг

*гинекологик асбоблар оркали ва жинсий алока вактида

мева сабзавотлар оркали

контакт оркали

тугри жавоб йук

26. Ламблиялар биринчи марта ким томонидан ва нечанчи йилда аникланган

*1859 йил Лямбль

1743 йил Павловский

1212 йил Баровский

1854 йил Доггель

27. Лейшманиознинг чакирувчисини ким ва нечанчи йилда аниклаган

*1898 йилда Баровский

1843 йил Павловский

1232 йил Мишшер

1878 йил Доггель

28. Тери лейшманиози каерда куп таркалган

*Марказий осиеда ва кавказ ортида

Хиндистонда

Хитойда

Европада

29. Ашхабод яраси касаллигини лейшманияларнинг кайси тури келтириб чикаради

*лейшмания тропика минор

лейшмания тропика тропика

лейшмания тропика майор

тугри жавоб йук

30. Пенда ярасини лейшманияларнинг кайси тури келтириб чикаради

*лейшмания тропика тропика

лейшмания тропика майор

лейшмания тропика минор

тери лейшманиози

Жорий назоратни баҳолаш мезони

86-100 %	Паразитлик, унинг келиб чиқиши, ҳўжайин – паразит тушунча-лари. Регрессив ва прогрессив паразитлик, унга мослашиш. Паразитларнинг инсон организмига таъсири тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлса. Трипоносома, лейшмания, лямблия, трихомонада улар келтириб чиқарадиган касаллик, юқиш йўлари ҳақида тушунчага эга бўлганда. Конспект ва чизмалар тўлиқ бўлса.
71-85,9 %	Паразитлик, унинг келиб чиқиши, инсон организмига паразитларнинг таъсири, ҳўжайин ва паразит ўртасидаги боғлиқлик каби саволларга жавоб бера олади. Трипоносома, лейшмания, лямблия, трихомонада улар келтириб чиқарадиган касаллик, юқиш йўлари ҳақида тушунчага эга бўлганда. Фақат баъзи хатоларга йўл қўйганда.
55-70,9 %	Талаба мавзу тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаса. Уйга берилган вазифа бажарилмаган бўлса. Дарс давомида талаба интерактив ўйинларга фаол иштирок этмаса. Коспект ва чизма бўлмаса
55 дан паст	Паразитлар, уларнинг инсон организмига таъсири ҳақида умуман тушунча бўлмаса.

9. Машғулотнинг хронологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти.	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи (5 дақиқа)	1.Аудитория тозалигини назорат қилади 2.Талабаларни машғулотга тайёргарлигини текширади 3.Давоматни назорат қилади	
1. Ўқув машғулоти кириш босқичи (40 дақиқа)	1.Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2.Кириш маърузаси учун тақдимот слайдларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш	Қатнашадилар Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар
2 – асосий босқич (55 дақиқа)	Талабаларни кичик гуруҳларга булиб мавзу бўйича саволлар беради.Кургазмали плакатлардан фойдаланади.Мультимедиялардан фойдаланади.Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди	Томоша қиладилар ва ёзиб оладилар

3 - асосий босқич (25 дақиқа)	Фаол иштирокчи талабаларни баҳолайди ва рағбатлантиради.	Ечадилар Ёзиб оладилар
4 - якуний босқич (10 дақиқа)	1. Якунловчи хулоса қилади 2. Мустақил иш беради 3. Уйга вазифа беради	Тинглайди Ёзиб олади Ёзиб олади
жами 4 соат		

Назорат учун саволлар

1. Содда хайвонларга нималар киради ва уларнинг турлари.
2. Содда хайвонларнинг купайиш усуллари ва озикланиш йуллари хақида маълумот беринг?
3. Хивчинлилар синфига умумий характеристика беринг?
4. Шагас касаллиги белгилари, морфологик тузилиши, манбаи ва таркатувчилари хақида маълумот беринг?
5. Африка уйку касаллигига ташхис ва унинг профилактикаси.
6. Лейшмания, унинг турлари, одамга юқиши, ташхиси, профилактикаси.
7. Трихомонада, унинг турлари, инсонга юқиши.
Лептомонат давр деб нимага айтилади?
Ичак лямблияси, одамга юқиш йуллари ва ташхиси, профилактикаси.

Тавсия этилган адабиётлар

1. "Биология" П.Х.Холиқов, Н.Ш.Шарофиддинхўжаев, П.Р.Олимхўжаева, Ж.Р.Рахимов, П.И.Тошхўжаев. Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2005, 583 бет.
2. "Тиббий биология ва генетика" К.Н.Нишонбоев, Ж.Х.Хамидов. Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2005, 210 бет.
1. "Руководство по медицинской паразитологии" П.Р.Алимхаджаева., Р.А.Журавлёва, "Абу Али ибн Сино", Тошкент, 2004. 223 бет.

2. "биология" дарслик. М.Ярыгин таҳрири остида. М,1984, 1999, 320 бет.
- 5 Manyal of Laboratory Diagnostis Tests.Lippincott Philadelphia.New York.1996.1104s.
- 6 Internet ma'lumotlari quyidagi saytlardan olinadi:
<http://www.medline.ru>
- 7 Internet ma'lumotlari quyidagi saytlardan
olinadi:<http://www.freebooks4doktors.com/fl/spec4.htm>;







